Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. | № 232 (7. 321) | 1990 йил 9 октябрь, сешанба | Баҳоси 3 тийин.

## КПСС Марказий Комитетининг Пленуми

8 октябрь куни Москвада КПСС Марказий Комитетининг Пленуми очилди. Мамлакатдаги аҳвол ва иқтисодиётнинг бозор муносабатларига ўтиши билан боғлиқ КПССнинг вазифалари тўғрисидаги масала унинг муҳокамасига киритилган.

Пленум ишида КПСС Марказий Назорат комиссиясининг аъзолари қатнашмоқдалар.

Пленум ишида қатнашиш учун ўлка, вилоят ва округ партия комитетларининг биринчи котиблари, иттифоқдош жумҳуриятлар Компартиялари Марказий Комитетларининг иккинчи котиблари, олимлар, шунингдек, КПССдан партиянинг сайлаб қўйиладиган марказий идоралари таркибига кирмайдиган СССР халқ депутатлари таклиф этилганлар.

(ТАСС).



⊙ Лутфи Аҳмедова 22 йилдан бери «Чевар» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида самарали меҳнат қилиб келади. Унинг шогирди Шаҳло Кончиеванинг эса корхонага келганига эндигина 5 йил бўлди. У бирлашманинг 1-тикув цехи пешқадамларидан бўлсада, ҳали ҳам баъзи масалаларда устозидан сабоқ олиб туради.

Т. Каримов суратлари.

Долзарб мавзуда

# КАДРЛАР ТАҚЧИЛЛИГИ— МОЛЛАР ТАҚЧИЛЛИГИМИ?

Жумҳуриятимизда аҳолини иш билан банд қилиш муаммоси ўткир бўлиб турибди, лекин қачонлардир «ёпиқ» бўлган корхоналарда малакали мутахассислар жуда ҳам етишмаяпти.

**Ҳозирнинг ўзида конверсия кутилган самара бермаганлиги, лекин бутун бошли муаммоларни келтириб чиқарганлиги равшан бўлиб қолди. Ана шу муаммоларнинг бири кадрлар муаммосидир. Масалан, мураккаб рўзғор ва радио товарларини ишлаб чиқарадиган мутахассислар бўлмаса, уларни қаердан олиш мумкин!**

**ЎзТАГ мухбири М. Ким билан «Фотон» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош муҳандиси А. Христич тармоқ муаммолари, уни ривожлантириш истиқболлари ҳақида суҳбатлашдилар.**

**— Анатолий Николаевич, бир қанча мудофаа корхоналарини аҳоли учун маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтказиш муносабати билан айтилган дабдабали гап-сўзлар даври ўтиб кетди. Лекин холодильниклар, телевизорлар, кир ювиш машиналари кўпайиши ўрнига, дўконларнинг пештахталари янада баттарроқ бўшаб қолди. Хўш, ўша биз кутган моллар қаерда!**

— Бирлашмамиз жумҳуриятдагина эмас, айни вақтда мамлакатда ҳам энг катта бирлашмалардан ҳисобланади. У электрон техника (диодлар, транзисторлар, интеграл чизмалар, токни кўпайтириб берадиган қурилмалар) буюмларини тайёрлаб, ишлаб чиқаради. Улар рўзғорда, ишлаб чиқариш-техникавий мақсадларда, ҳисоблаш техникасида, автомобиль электроникасида, алоқа воситаларида фойдаланиладиган радио электрон ҳамда телевизион аппаратларда кенг қўлланилади. Ҳозир биз уч мингдан ортиқ истеъмолчи билан 10 мингтага яқин шартнома тузганмиз. Айни вақтда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг 10—12 фоизга яқини жумҳуриятимизга тўғри келади, қолгани эса бутун мамлакатга тарқатилади.

Бу ўринда электрон саноатининг халқ хўжалигини ривожлантиришда қандай аҳамиятга эга эканлигини такрорлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Фақат бундай корхоналарнинг ўзига хос хусусияти физика ва кимё соҳасидаги ютуқлардан албатта фойдаланиб тайёрланган технологиянинг ноёблигидадир. Бунда ниҳоятда тоза газлар ва материаллар, жуда аниқ ишлайдиган ускуналар, ҳисоблаш техникаси, телемеханикани қўлланиш назарда тутилмоқда.

Ишлаб чиқаришнинг бундай ўзига хослиги ишчилар ва муҳандисларни айниқса синчковлик билан танлашни тақозо этади. Бизга радиоэлектроника, физика, электрон-ҳисоблаш техникаси соҳасида техникавий ва касб-кор жиҳатидан яхши тайёргарлик кўрган мутахассислар керак. Улар эса етишмаяпти.

Айниқса корхонамизни ёш кадрлар билан тўлдириш масаласи ўткир бўлиб турибди. Ёш кадрларга эҳтиёжимизнинг ярмидан камроғи қондирилмоқда. Жумҳурият пойтахти олий ўқув юртлари атиги 8 мутахассислик бўйича бирлашмамизни кадрлар билан таъминлайди, бизга эса ўн учта йўналиш бўйича муҳандислар талаб этилади. Агар бундан кейин ҳам Ўзбекистонда электроникани ривожлантиришни истасак, унда ҳозирнинг ўзидаёқ эртага мураккаб вазифаларни ҳал этиши лозим бўлган кишилар хусусида қайғуриш зарур. Бу ўринда куч-ғайратни ҳам, маблағни ҳам аямаслик керак.

**— Хўш, бунга ким халақит беряпти, ҳаммаси ўз қўлингизда. Афтидан, «Фотон» раҳбарияти қандай мутахассислар кераклигини ва уларнинг сонини яхши билиши керак.**

Бундан икки йил аввал Москва, Ленинград, Новосибирск олий ўқув юртларини тугатган ёшларни ишга олиш ҳисобига аҳволни анча ўнглаб олгандик. Уларни вақтинчалик шаҳар рўйхатидан ўтказиб, ётоқхоналарга жойлаштиргандик. Уларнинг тайёргарлик даражаси анча юқори бўлиб, уларга кўп умид боғлаган эдик. Айни вақтда маҳаллий олий ўқув юртларини битириб чиқувчиларга катта умид қилинганди. Лекин улар умидимизни оқлашмади. Масалан, жумҳурият олий ўқув юртларидан бизга ишга юборилаётган дипломли мутахассисларнинг кўпи ўз мутахассислиги бўйича ишламаяпти. Бунинг сабаблари кўп, лекин одамлар етишмаётгани аниқ. Бу нималарга олиб келиши мумкинлигини Советободдаги «Камалак» заводи мисолида яққол кўриш мумкин. Бу йил корхонада мутахассислар йўқлиги сабабли мамлакатга керакли маҳсулот — токни кучайтириб берувчи қурилмаларни ишлаб чиқариш 20 фоиз камайтирилди. Ваҳоланки, бирорта ҳам рангли телевизор ана шу қисмсиз ишлай олмайди.

Бирлашма, мана бир неча йил бўлибдики, Тошкент политехника илмгоҳининг базавий куллиёти билан ҳамкорлик қилиб келади, уни жиҳозлашда, ўқув хоналарини ташкил этишда амалий ёрдам беради. Бундан ташқари, биринчи курс талабалари бевосита «Фотон» цехларида ишлаб чиқариш кўникмаларини ҳосил қиладилар. Истиқболли талабаларни кўз остимизга оламиз, уларга иккинчи курсданоқ завод стипендия тўлайди. Лекин улардан қандай самара олинаяпти?

1988 йилда 145 нафар мутахассис юборишларини сўраган эдик, лекин атиги 41 нафар мутахассис ишга келди. Ҳозир ана шу кишиларнинг фақат 26 нафари ишламоқда. Ўтган йили ва бу йил айниқса аҳвол ёмон бўлиб қолди...

1990 — 1995 йил учун мўлжалланган режада «ярим ўтказгичли ва микроэлектрон асбоблар» мутахассислиги бўйича кадрларга қўшимча эҳтиёж бўлиши назарда тутилган. Бизга камида 50 нафар шундай мутахассис керак бўлади. Тошкент политехника институти ректорининг буйруғи билан ана шу мутахассисликка ўқитиш учун қабул қилинадиганлар икки баравар қисқартирилганлигини тўсатдан билиб қолдик. Аниқ бир мақсадни мўлжаллаб мутахассис тайёрлаш тўғрисидаги шартнома доирасида корхона юборган ёшлар Тошкент политехника илмгоҳига кира олмадилар. Нима бўляпти ўзи? Эски «мутахассислар» кетиб қоляпти, уларнинг ўрнини босадиган мутахассислар топилмаяпти, хуллас, аниқроқ айтадиган бўлсак, умуман истиқболдан дарак йўқ.

**— Кадрлар билан шундай оғир бўлаётган экан, аввалгидек ташқаридан жалб этса бўлмайдими уларни!**

— Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг икки йил олдин чиқарилган қарорида ташқаридан чақирилган ҳар бир ходим учун (шу жумладан олий ўқув юрти, техникум, ҳунар-техника билим юртини битирганлар учун ҳам) корхона ижтимоий ривожланиш жамғармасидан 16 минг сўмдан кўпроқ пул тўлашга мажбур. Мазкур қарорнинг қай даражада тўғри ёки нотўғри эканлиги хусусидаги саволларни бир чеккага қўйиб турайлик. Ваҳоланки, у моҳияти билан фуқароларнинг иш танлаш борасидаги ҳуқуқларини камситади. Биз шунчаки, маблағларни қаерга сарфлаш керак, деган масала пайдо бўлганлиги учун боши берк кўчага кириб қолдик. Маблағларни жуда ҳам етишмаётган уй-жойларга сарфлаш керакми ёки ишга қабул қилинганларни расман шаҳар рўйхатидан ўтказиш учун бериш зарурми. «Оникс» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Зенит», «Алгоритм»... заводлари худди шундай қийин аҳволга тушиб қолишди.

Биз бу масалани бир неча марта кўтардик, ўз фикримизни турли идораларда исботлашга уриндик. Афсуски, кўрсатмалар яна ғолиб чиқди.

Бугунги сонда:

**ТЎҒРИ ЙЎЛНИ АНГЛАМОҚ КЕРАК**

ЭНГ муҳими, қайта қуриш моҳиятини тўғри тушунмоқ ва унинг йўлини тўғри англамоқ керак. Ана шундагина бу йўлдан адашмаслик мумкин. Афсуски, қайта қуришни ўзича талқин қилаётган, ундан ўз манфаати йўлида фойдаланишга уринаётганлар ҳам орамизда кўплаб топилади. Биз уларга одамларни тўғри йўлдан чалғитмасликларини яна бир карра эслатиб қўймоқчи эдик...

⊙ 2-саҳифада.

**МАНТИҚҚА ТЎҒРИ КЕЛСИН**

ЖОЙЛАРГА ном беришда эътиборни кўпроқ Ўрта Осиё ва она жумҳуриятимизнинг тарихи, маданиятига ҳамда шу ердан чиққан улуғ намояндалар хотирасини абадийлаштириш масалаларига қаратмоқ даркор. Албатта номларнинг нафис ва маъноли бўлиши киши руҳига ижобий таъсир қилади, ёшларни тўғри тарбиялаш, уларнинг меҳнат ва илм-фанга қизиқишини кучайтиради...

⊙ 3-саҳифада.

**ОММАВИЙ БАЙРАМ**

ҲА, бу каби спорт тадбирларини санаб саноғига етиш қийин. Биз шаҳримизнинг қолган районлари ҳам октябрликлардан ўрнак олиб, ўз ҳудудларида жисмоний тарбия-соғломлаштириш ишларини шундай йўлга қўйишларини истар эдик...

⊙ 4-саҳифада.

## КЕКСАЛАРГА КЎПРОҚ ҒАМХЎРЛИК

Урушда қатнашиб ва меҳнат қилиб кексайган минглаб кишилар ҳали ҳам корхоналарда, муассасаларда, колхоз ва совхозларда ишлаб туришибди. Байналмилалчи жангчилар, ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилалари ҳам эътиборсиз қолмаяптилар. Тошкентдаги «Ташсельмаш», «Ўзбексельмаш», 1-пойабзал ишлаб чиқариш бирлашмасида пенсионерлар учун кўп иш қилинмоқда. Афсуски, фахрий отахонлар ва онахонларга ҳамма жойда ҳам муносиб меҳрибонлик қилиняпти, деб бўлмайди.

Жумҳурият уруш ва меҳнат фахрийлари кенгашининг яқинда бўлиб ўтган пленуми қатнашчилари мурожаатнома қабул қилиб, корхоналарнинг, колхоз ва совхозларнинг раҳбарларини, меҳнат жамоалари кенгашларини, жамоат ташкилотларини уруш ва меҳнат фахрийлари талаб-эҳтиёжларига эътиборни кучайтиришга чақирдилар.

Пленум қатнашчилари бу даъватга меҳнат жамоалари муносиб жавоб берадилар, деб ишонч билдирдилар.

(ЎзТАГ).

## ҚЎЛ МЕҲНАТИ ЎРНИГА

**⊙ ТОШКЕНТ КИМЁВИЙ доришунослик заводида ишлаб чиқариш ёппасига автоматлаштирилмоқда. Яқинда «Ампициллин» ва «Лантаглюцид» дори-дармонларини ўрайдиган янги автоматлар ишлай бошлади. Натижада заводда меҳнат унумдорлиги ошиб, оғир қўл меҳнатига барҳам берилди.**

## УНУМДОРЛИК ОШДИ

**⊙ Тошкент қурилиш материаллари комбинатида кошинларнинг турли хиллари ва халқ истеъмоли моллари кўплаб миқдорда ишлаб чиқарилмоқда.** Илгари комбинатнинг 2-цехида кунига 830 квадрат метр плита ишлаб чиқарилар эди. Яқинда хорижий ускуналар билан таъминланган ана шу цехда янги йўналиш ишга тушди. Натижада кунига 1500 квадрат метр рангли кошинлар ишлаб чиқарила бошланди. Бу янгилик натижасида комбинатда меҳнат унумдорлиги ошди.

Обуна—91:

# МУШТАРИЙЛАР «ОҚШОМ» ҲАҚИДА

### Истагим шуки...

Сизни билмадим-ку, аммо мен ўзим севган рўзномаларнинг ҳар кунги сони билан яқиндан танишиб тураман. Шунинг учун ҳам бу йил марказий рўзномалардан иккитасига ва «Тошкент оқшоми»га обуна бўлдим. «Оқшом»да кўпроқ халқнинг дилидаги гаплар ёзилади. Мана яқинда Сомон бозорига тушган ёнғин ҳақида берилди. У ердаги уйлари ёниб кулга айланган оилаларни эшитиб ичичимдан эзилдим. Ҳадемай совуқ кунлар бошланса нима қилишади деб ўйладим. Рўзноманинг кейинги сонларининг бирида улар учун ҳукуматимиз уй ажратганини ўқиб хурсанд бўлдим. Истагим шуки рўзномада келаси йилда ҳам кўпроқ шаҳримизда бўлаётган воқеаларга ўрин берилса. Яна рўй бераётган жиноятлар ва уларнинг олдини олиш учун нималар қилинаётганлиги ҳақида ёзиб турилса яхши бўларди.

**С. АКБАРОВ,**
**хизматчи.**

### Оилавий рўзномамиз

ҲОЗИР ёшим етмиш саккизда. Бу йил 57 сўмлик рўзнома ва ойномаларга обуна бўлдим. Радио тўлқинлари орқали берилаётган хабарларни эшитиб мамлакатимиз ва дунё воқеаларидан хабардор бўлиб тураман. «Аргументи и факти» ва «Тошкент оқшоми», рўзномаларининг мухлисиман. Менга аҳлоқ, одоб доирасида бериладиган мақолалар маъқул бўлади. Истардимки, «Қари билганни пари билмас» ёки шунга ўхшаш рукун билан ёшлар тарбиясига оид мақолалар ёритилса. Чунки «Оқшом»ни кўплаб оилалар олишади. Кечки пайт рўзномада чиққан яхши мақолаларни оилавий ўқиб ўтиришганлигининг шоҳиди бўлганман. Бундай мақолалар келажагимиз бўлган ёшлар тарбиясида катта ўрин тутади.

**М. МУҲАМЕДОВ,**
**меҳнат кексаси.**

### Саксон ота шаҳар кезарди

«ОҚШОМ»нинг бир неча йиллик мухлисиман. Бундан ўн, ўн беш йил муқаддам рўзномада «Йўл-йўлакай», «Саксон ота шаҳар кезади», «Эркаклар ўқимасин» каби рукунлар бўлар эди. Қизиқиб ўқир эдим. Менинг истагим рўзномада ана шунақа ҳамшаҳарларимиз дилига яқин рукунлар остида шаҳримиз муаммоларига оид мақола берилса.

Кейин ҳар бир берилган танқидий мақолага тегишли ташкилотдан жавоб олиш ва кўрилган чора-тадбирларни рўзномада ёритиш лозим.

**Р. КОМИЛОВ,**
**шифокор.**

### Ўқиб турмасам бўлмайди

БИЗ тарафларга «Тошкент оқшоми» рўзномаси бир кун кейин боради. Ўн йилдан бери шаҳардан уйга — Қибрайга қатнаётганимда метронинг Горький станциясидаги «Союзпечать» агентлиги дўконидан «Оқшом»нинг янги сонини олардим. Бу йил 17 сўм 40 тийин тўлаб «Тошкент оқшоми»га обуна бўлдим. Сабаби декабрь ойида қарилик пенсиясига чиқаман. Шаҳарга ҳадеб тушиб-чиқишга вақт бўлмай қолади. Ўрганиб қолган рўзномани ўқиб турмасанг худди бирон нарсани йўқотиб қўйгандек бўласан киши.

**О. ДАВЛАТОВ,**
**электр пайвандчи.**

### Менинг ҳамроҳим

«ТОШКЕНТ оқшоми»да бериладиган «Саломатлик ҳақида суҳбатлар» рукунидаги мақолаларни сабрсизлик билан кутаман. Чунки бундан саккиз йил олдин шифокорлар мени «одам бўлмайди» деб касалхонадан чиқариб юборишган эди. Шунда ҳам тушкунликка тушмадим. Чунки ҳадеб касалхонада ётавергандан кейин дўхтирларнинг гапига эътибор ҳам бермай қўяркансан. Бир кун ўт гиёҳлардан бири мен касал бўлган дардга даво эканлиги ҳақида «Оқшом»да ўқиб қолдим. Шу гиёҳни қидириб топиб рўзномада ёзилгандек эрта ва кечқурун ётиш олдидан асалга майдалаб ёнғоқ мағизи билан аралаштирган ҳолда ичдим. Мени кечиринглару «Қирғин бўлса ҳам ажали етган ўлади» деганларидек шу бўлдими, бошқасими билмадим, даво топиб кетдим. Бир тўйда мени ўлади деган шифокор рўпарамдан чиқиб қолиб ҳайрон бўлиб қолди. Шу-шу «Оқшом»ни севаман ва ҳар йили унга обуна бўламан.

**О. СОДИҚОВ,**
**майор.**

### Рамзий шам

МЕН «Тошкент оқшоми» рўзномасини доимо ишдан келганимдан сўнг, кечки оқшомда мароқ билан ўқиб бораман. Айниқса рўзноманинг 3-саҳифасида бериладиган мақолалар мени ўзига тортади. Яқинда рўзноманинг 4 октябрь сонидаги филология фанлари доктори, профессор Малик Муродовнинг мақоласи менинг эътиборимни ўзига тортди.

Шу ўринда муштарийларнинг эътиборини бир масалага жалб қилмоқчиман. Душанбе шаҳрига борган эдим. Шунда «Душанбе оқшоми» рўзномасини олиб ўқидим. Ушбу рўзноманинг «Душанбе оқшоми» деб ёзилган жойида кичкина ёниб турган рамзий жажжи шамнинг расми чизилганлигини кўрдим. Тошкентга қайтиб келганимдан сўнг, кўп жойларда буни дўстларимга гапириб бердим. Ҳаммаларида жуда катта қизиқиш уйғонди. Ҳақиқатдан ҳам бундай ўйлаб қаралса, бу нудаа тўғри. Чунки рўзноманинг номи ноюмиб рўзнома ўқилмайдику, албатта. ми «Оқшом»ку! «Оқшом» пайтида кўзни «Ёруғлик»да, яъни чироқ шуъласи ёрдамида ўқилади. Шундай эмасми?

**Э. СИДДИҚОВ,**
**иқтисод фанлари доктори, профессор.**




**АЗИЗ ВА ҚАДРЛИ МУХЛИСЛАР!**

**«ТОШКЕНТ оқшоми» рўзномасига 1991 йил учун обунани расмийлаштириш ёдингиздан кўтарилмадими? Рўзномамизга обуна 1 ноябргача давом этишини эслатиб, бугунги ишни эртага қўймай, қулай фурсатдан фойдаланиб, унга обунани ўз вақтида расмийлаштиришингизни маслаҳат берамиз. «Союзпечать» агентлигининг ўзингизга яқин бўлимларида, ишлаётган ёки ўқиётган идора, муассаса ва олий ўқув юртида рўзномага обуна бўлишингиз мумкин. Жамоатчи матбуот тарқатувчилар, алоқа ходимлари Сизнинг мушкулингизни осон этишга шай бўлиб турибдилар.**

**«Тошкент оқшоми» рўзномасининг бир йиллик обуна баҳоси 17 сўм 40 тийин, ярим йилга — 8 сўм 70 тийин, 3 ойга 4 сўм 35 тийин. Рўзнома индекси: 64690.**

### Масъулиятли вазифа

**⊙ ТОШКЕНТ тажриба таъмирлаш механика заводи жамоаси жумҳурият давлат ва жамоа хўжаликларини қудратли техникалар ва эҳтиёт қисмлар билан бир қаторда уларнинг техникаларини таъмирлаш билан ҳам шуғулланишади.**

БУГУН жамоа жумҳуриятимизнинг қатор вилоятлари — Хоразм, Қашқадарё, Бухоро, Сурхон водийсига гидропресслар, комбайнлар ва эҳтиёт қисмлар юборди. Жамоада 164 минг сўмлик таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Йил охиригача яна 62 минг сўмлик эҳтиёт қисмлар ва таъмирлаш ишлари амалга оширилади.

## ТАЛАБАЛАР ҲИММАТИ

**⊙ ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ Йўлдош Охунбобоев номли тиббиёт билим юртининг талабалари ҳар йили бир ой давомида Оржоникидзе районидаги «Қибрай» мевачилик давлат хўжалигида меваларни териб беришда сабзавоткорларга яқиндан ёрдам беришмоқда.**

Талабалар ҳар куни 200—220 тоннадан мева ва сабзавот маҳсулотларини териб бермоқдалар. Бугунгача талабалар кучи билан 7500 тонна мева маҳсулотлари териб омборга топширилди. Ўқитувчилардан М. Муҳиддинов, Ш. Шоабдураҳимов, Й. Ҳакимова, А. Зокиров, М. Ҳусановлар ҳашарчиларга бошчилик қилмоқдалар. Ҳашарчилардан Н. Зарипова, А. Жаркинбоева, Р. Сафаева, К. Ҳусанова, Х. Исаева, А. Дусметова, А. Алланазаровалар эса кунлик иш нормаларини 140—150 фоиздан бажариб мусобақада ғолиблик қилмоқдалар.

## Ёнғиндан зарар кўрганларга

⊙ МАЪЛУМКИ, 16 сентябрь куни Сомон бозорида рўй берган ёнғин сабабли Лангар кўчасида жойлашган бир неча хонадон бошпанасиз қолганлиги, партия ва ҳукуматимизнинг ғамхўрлиги туфайли жабрланувчиларга кийим-кечак, уй-рўзғор буюмлари, ер участкалари ва уйлар ажратилгани ҳақида хабар берган эдик. Жумладан, Тошкент шаҳар Қизил ярим ой жамияти ҳам бошпанасиз қолганларга ёрдам қўлини чўзди. Ёнғиндан 18 та хонадонда истиқомат қилувчи 31 оила зарар кўрган эди. Куни кеча жамият аъзолари Лангар кўчасида бўлиб, жабрланганларнинг ҳар бир оиласига юз сўмдан ажратиб, жами 3.100 сўм пулни топширди.

